

## ZINGIBER OFFICINALE ROSE ЎСИМЛИГИ ТАРКИБИДАГИ МИКРО ВА МАКРОЭЛЕМЕНТЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАЛАРИНИ ЎРГАНИШ

**А. Х. Исломов**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академик О.С.Содиқов номидаги биоорганик  
кимё институти

**А. Матёқубов**

Чирчиқ Давлат Педагогика институти

**А. Дж. Курбанова**

Чирчиқ Давлат Педагогика институти

**Қ. Ў. Комилов**

Чирчиқ Давлат Педагогика институти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада *Zingiber officinale Rose* (Занжабил) доривор ўсимлигини биологик хусусиятлари, Занжабил ўсимлиги илдизи ва лимон меваси экстрактлари 1:1 нисбатда асал билан қўлланилганда инсон иммунитетини ошириш ва сақлаш каби фойдали хусусияти маълум бўлганлиги сабабли, уни шамоллаш ва гриппни профилактикасида яллиғланишга қарши қўлланилиши, меъда, жигар, ичаклар ва талоқ каби ҳазм аъзолари кувватини ошириб, одамни тетиклаштириб, мушаклардаги ёғ қатламларини эришини тезлаштиради. танадаги ҳароратни меъёрда сақлашга ёрдам беради, ички аъзолар яллиғланиши олдини олади. Адабиётларда ушбу экстрактнинг бактерицид, антисептик, антибактериал хусусиятларга эга эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** *Zingiber officinale Rose* , доривор Занжабил, токоферол, витамин К, аскорбин кислотаси, углевод, целлюлоза, аминокислота, калий, фосфор, магний, темир, кальций, рух, бактерицид ,антисептик, антибактериал, иммунитет.

### ABSTRACT

Since the biological properties of the medicinal plant *Zingiber officinale Rose* (Ginger), ginger root and lemon fruit extracts are known to have beneficial properties such as boosting and maintaining human immunity when used with honey in a 1: 1 ratio, its use in anti-inflammatory, gastric, increases the strength of digestive organs such as the liver, intestines and spleen, stimulates the person and accelerates the dissolution of fat layers in the muscles. helps maintain normal body temperature, prevents inflammation of internal organs. The literature states that this extract has bactericidal, antiseptic, antibacterial properties.

**Keywords:** *Zingiber officinale Rose*, Medicinal Ginger, tocopherol, vitamin K, ascorbic acid, carbohydrate, cellulose, amino acid, potassium, phosphorus, magnesium, iron, calcium, zinc, bactericide, antiseptic, antibacterial, immunity.